





Резолюция қабул қилинди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг АҚШ таклиф қилган резолюцияни қабул қилди. Унда тўртдан-тўртга Сурияга мурожаат қилиниб, Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиш кетишини ва бу давлат мустақиллигини ҳурмат қилишга чақириқ ўз ифодасини толган. Сурия ҳарбийлари 1976 йилда Ливанга киришган. Ҳозирда 17 минг суриялик ҳарбийлар Ливан ҳудудидида турибди.



Фаолиятини тўхтатиши мумкин

Пайшанба кўни Басман суди Россия Бош прокуратураси томонидан тақдим этилган тавсияни қўриб чиқиб, тасдиқлади. Унда ЮКОСнинг банк ҳисоб-рақамидидаги 76 миллиард рубль маблағни музлатиб қўйиш ҳақида гап боради. ЮКОС матбуот хизмати вакилининг маълум қилишига, компаниянинг барча кирим-чиқим ишлари тўхтатилган, фақат ишчиларга маош ўз вақтида тўлиниб турилибди.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда

Англиянинг шарқда Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларига тегишли самолёт кулаб тушиши оқибатида икки экипаж аъзоси қурбон бўлди. Бир учувчи шифохонага ётқизилди. Бу ҳақда мамлакат муҳофаза вазирилик вакили журналистларга маълум қилди. Ҳозирча ҳалокат сабаблари маълум эмас. Аммо манбада айтилишича, ушбу ҳолат бўйича махсус комиссия иш олиб бормоқда.

Адвокатга эҳтиёж

Хабарингиз бор, Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич 2002 йил февралдан бўён Гаага трибуналга ўзини ҳимоя қилмоқда. Яқинда трибунал собиқ президентга суд жараёнларида ўзини ҳимоя қилиши учун адвокат олишига руҳсат берди. Слободан Милошевич тиббий кўриқдан ўтгандан сўнг судьялар шундай қарорга келишди. Шифокорларнинг таъкидлашича, судда у ўзини ҳимоя қилишга қодир эмас.




Кукун зарарсиз экан

Шу ҳафта бошида террор уюштирилиши эҳтимоли бўлганлиги сабабли Малайзиядаги АҚШ элчихонаси номангу мuddатга ёпиладди. Кечадан бошлаб элчихона яна ўз фаолиятини бошлади. Элчихона матбуот котиби Франк Уиттейкернинг таъкидлашича, почта қўтисидидаги конверт ичидан кукун топиладиган сўнг хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Reuters ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, текшириш натижаларига кўра, конвертдаги кукун зарарсиз эканлиги аниқланди.

Сув беҳисоб эмас...

БМТ маълумотларига қараганда, башарият кўринмас, бироқ катта хавф олдидида турибди. Ушбу хавф тоза ичимлик суви етишмаслиги ва санитария қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида аτροφ муҳитнинг ифлосланиши туфайли келиб чиқмоқда.



ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан чоп этилган ҳисоботда айтилишича, дунё аҳолисининг 40 фоизидан орტიроғи антисанитария ҳолатида кун кечирмоқда. Миллиардга яқин одам тоза ичимлик сувига зор.

БМТ 2015 йилга бориб бундай одамлар сонини икки баробар камайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса...

ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бу ҳисоботни эълон қилишдан мақсади давлатлар раҳбарлари диққатини ушбу муаммага жалб этишдир. Ҳуршид РАУПОВ.

Шу ҳафтада АҚШда йилнинг энг йирик сиёсий тадбирларидан бири — республикачилар партиясининг курултойи бўлиб ўтди. Айнан, мана шу тадбир республикачиларнинг сиёсий платформаси ва партиясининг шу йил 2 ноябрь кўни мамлакатда бўлиб ўтадиган президент сайловига қатнашадиган номзодини аниқлаб бериши керак эди.

Душанба кўни бошланган курултойни ўтказиш учун республикачилар Нью-Йорк шаҳрининг энг нуфузли концерт-спорт марказларидан ҳисобланадиган «Мэдисон-сквер-гарден»ни танлашди. Курултойни ўтказиш учун қўрилган хавфсизлик чоралари ҳам кўлами жиҳатидан кўпчилиқни лол қолдирди. Марказга олиб киришга тақиқланган нарсалар рўйхатидан фото, видео камералар, сумка, пичоқ ва бошқа ўткир нарсалардан ташқари, ҳаво шарлари, плакатлар ва зонтиklar ҳам жой олди.

Тадбир ўтган марказни 3700 нафар полициячи қўриқлади. 66 та ҳуқуқ-тартибот хизматлари вакиллари курултой ишини назорат қилишди.

«Биз дунёни хавфсизроқ қиламиз»

республикачиларнинг келажакдаги мақсадларидан бири шу

Республикачилар тўрт кун давомида ташкилий ишлардан ташқари, партиясининг сайловолди платформасини қабул қилишди. Унда терроризмга қарши кураш ва Жорж Бушнинг етакчилигида алоҳида ўрин берилган. Партия платформасида республикачиларнинг Ж. Буш олиб бораётган иктисодий йўналишидаги сиёсатини кўллаб-қувватлаши қайд этилган.

Рудольф Жулиани ҳамда шаҳарнинг амалдаги мэри Майкл Блумберг каби сиёсатчилар иштирок этишди.



Курултойда сўзга чиққанларнинг қарийб барчаси 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин АҚШнинг террорчиликка қарши кураши, Афғонистон ва Ироқда амалга оширилган ҳарбий амалиётлар тўғрисида аниқлашди.

Айтмиш лозимки, республикачиларнинг тадбирида Калифорния губернатори Арнольд Шварценеггер ва Нью-Йоркнинг собиқ мэри

Курултойнинг тўртинчи кўни АҚШ президентлигида Республикачилар партиясини номзоди Жорж Бушнинг дастурий маъруза билан чиқиши сиёсий тадбирнинг чўққиси бўлди.

Республикачилар партиясини номзод Оқ уй раҳбарлиги учун курашишга расман рози бўлган Жорж Буш кейинги тўрт йил ичидида бажариши лозим бўлган ишлари ҳақида сўз юритди. Вице-президентликка ҳам ўтган сафаргидек Дик Чейни номзоди кўрсатилди.

— Президентликка номзодимни кўрсатар эканман, хавфсиз дунёни қуриш ва келажакка ишонч билан қарайдиган Америка ҳақида аниқ ҳамда ижобий режага эгаман, — деди Республикачилар маъмурияти раҳбари Жорж Буш. — Биз дунёни хавфсизроқ қиламиз.

У ташқи сиёсат ҳақида гапирар

экан, АҚШ дунё бўйлаб террорчиларга қарши курашни ҳокимият ёки шўхратпарастлик учун эмас, балки фуқароларнинг хавфсизлиги учун амалга ошираётганини қайд этди.

Курултой делегатлари ўз тadbирини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилаётган бир пайтда, Нью-Йорк кўчалари Жорж Бушнинг сиёсатидан норозиларга тўлди. Намойишлар ташкилотчилари ушбу чиқишларда минглаб киши иштирок этганини таъкидлашмоқда. Улар шаҳар марказидаги кўчаларни ёпишиб, транспорт ҳаракатига тасвир кўрсатишди. Полициянинг 200 нафардан зиёд намойишчини ҳибс олди.

Салим ДОНИБЕРОВ.



Тўқнашув оқибатида

Саудия Арабистонидаги Бурайда шаҳрида шаҳрилар билан бўлиб ўтган тўқнашув давомида бир полиция ходими қурбон бўлди, икки нафари тан жароҳати олди. Мамлакат хавфсизлик хизмати вакили берган маълумотга таяниб, маҳаллий оммавий ахборот воситалари бу ҳақда хабар тарқатди. Манбада айтилишича, тўқнашувда иштирок этган террорчилар яширинишга улғурган. Улар тарафидан йўқотиш бўлган бўлмаганлиги ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Танишув

Неъматилла Маҳдум билан танишишимиз қизиқ бўлди. Август ойининг бошларида хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар марказида хорижий ватандошлар билан учрашув бўлиб ўтди. Маъшаратда асосан ўзбек урф-одатлари, анъаналарини хориждаги юрдошларимиз қандай сақлаб келаётганини ҳақида сўз бўлди. Сўзбати эътибор бериб тинглаётган қорамғиздан келган 50-55 ёшлар чамасидаги киши диққатини тортди. Гурунг тугаб, ўзбек мумтоз кўшиқлари янграганда, у кўзларини юмиб бошини сарак-сарак қилиб мўсакага ҳамоҳанг тебранди.

Дарбадарлик

— Яна ўх овозлари, портлашлар бошланди. Шундоқ ҳам болалари тақдиридан хавотирга тушган Неъматилла Маҳдум ўрни кўздан кечирди. Кўзи тўла қўрқув, эридан наҳот кутиб турган аёли, ҳеч нарсадан беҳабар болалари... Улар тўрт нафар. — Энди нима қиламиз, отаси? — Аслида шу савол Афғонистонда уруш бошланган кундан бўён Неъматилла эзиб келарди. «Наҳотки, ўлиб кетаварсиз? Болаларда нима гуноҳ?!» — Кетамиз онаси, бу ерларда кетамиз, дарбадарлик бошланаркан-да? — Улар тунда йўлга чиқишди. Хар бирида иккитадан бола. Тоғлар, адирлар, пасть-текислиklar орта олди. Бийдай саҳро. Дам аравада, дам пивда, дам йўл машинасида... Ун кун, тўрт кун... саккиз кун... Ёгликларини солинган халтининг ҳам тағи кўриниб қолган.

Нега уйимизни ташлаб кетяммиз, ота?

Неъматилла жавоб беролмади, бўзига нимадир тикилгандай бўлди. Узоқ кунлик чарчоқ, очлик, йўл машаққатлари... Тақдирнинг бешафатлигини қарангки, бир вақтлар ватандан кетиш отасининг қисматида битилган бўлса, бугун уша қисмат Неъматилла тақдирда ҳам бўй кўрсатди. — Уша кунларни эсласам беҳётёр кўзларимга ёш келарди, — эслайди Неъматилла Маҳдум. — Эркинлик, беватанлик азоб, қиёматнинг неки синоати бўлса, барчасини бошдан кечирдим. Бугун у — тарих, ҳаётимнинг бир бўлағи.

Ун саккиз кун деганда Афғонистонлик қочқоқлар Арабистон саҳраларига етиб келишди. Бир оз тин олгандай бўлишди. Йўрага уй топиб жойлашдилар. Энди оилани боқиб, учун ишлаш керак. — «Хунари хор бўлмас», Отаси Рўзимухаммад Маҳдум бу гани кўп такрорлар ва ўзи ҳам бунга амал қиларди. Неъматилланинг ҳам қўлида гулдай хунари бор эди. Ут-ўланлардан табиий бўёқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Турли қорхоналар билан ҳамкорлик қилишни бошлади. Хунари боис кўп ўтган «Уста Неъмат Маҳдум» деб ном олди.

— Бирок Ватан соғинчи, дарбадарлик мени аёвсиз қийнади, — хотирлайди Неъматилла Маҳдум. — Бир пайтлар отам нима учун бизга Узбекистон, Хоразм, Хива ҳақида гапириб беришдан чарчамаслиқларини, ҳижоқларидан сўнг Янгйбозордаги ариқда чўмилганда, гурвак қовуну факат Хоразмдагина ўсадан қарвак олмангиз, таъминот тўтгандай бўлишимизнинг боисини ушанда англаб етдим.

— Болам, бир кўни омон

Сизларни Оллоҳга топширдим

Утган асрининг 30-йилларида Янгйбозорда Рўзимухаммад Маҳдумни танимайдиган одам ҳам топиларди. Диний ва дунёвий илмлар билимдонини ўз даврининг маърифатпарварларидан эди у. Қатағон йиллари бошланган, бирин-кетин қишлоқ зиёлилари қамала бошланди. «Маҳдум, сен ҳам рўйхатда борсан, қишлоқдан кет дейишди унга дўстлари. — Сиз жонингизни асраб қолинг. Сиз бўлмаган, бизга тегишмайди, бир кунимизни кўрагимиз. Акс ҳолда...» Аёли бошка ҳеч нарса демеди. У бор-будини эрининг қўлига тутқазди. «Омон бўлсак дейдорларимиз».

Маҳдум ҳеч нарсадан хавориз этган беш полонининг пешонасидан ўларкан, қўзларидидаги шўрхок ёши уларнинг озиға тушди. «Сизларни Оллоҳга топширдим. Худо ёр бўлсин».

Уша кеча Маҳдум Хоразмни тарк этди, эртаси кўни эса уни олиб кетиш учун қора машина келди. Икки-уч кун ўтган, Маҳдумнинг «ўлган»лиги ҳақидаги овоза тарқалди.

Ватан биздан рози бўлсин

Неъматилла Маҳдум Саудия Арабистонда ўн икки йил умргуздорлик қилди. Ҳалол ишлади. Қорғоқни ижара уйида кейинги фарзандлар дунёга келди. — Нега уй сотиб олмадингиз, — сўрайман ажабланиб. — Еки имконингиз йўқмиди? — Уй олишга менга йўл бўлсин. Маҳаллий аҳоли орасида ҳам уйсизлар кўп бўла туриб, мен уй сотиб олаётардим. Уй олсам, сармоғим қолмасди-да! Сўнг оиламиз билан Туркияга кўчиб бордик. Ун йил деганда уйли бўлдик. Ўғил-қизларимни дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўқитдим. Ва ниҳоят, Исма тулла оғам билан отамнинг васиятларини адо этмоқ учун Узбекистон сари харакатни бошладик. Минг бир чигирликлардан сўнг 1988 йилда Узбекистонга келиш

бўлади, деган орзуси сўнади. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келди. — Мен эсимни танибманки, Узбекистон ҳақидаги, Хоразм ҳақидаги ҳижоқларини тингайман, — хотирлайдилар Неъматилла ака. — Гўё мен Афғонистонда эмас, Хоразмда улғайгандайман. Хар бир кўча, уй, сўқмоқ менга ёд бўлиб кетган.

«Мен ота юрт учун нимадир қилишим керак!» Ана шунда тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Ут-ўланлардан табиий бўёқ олиш цехини очди, ойна атас, адрас тўқитиш, эшик-ром ясаш цехини йўлга қўйди. Тошкентдан қорғоққа ховли сотиб олди. Икки ўли Ибодулла ва Иноғуллуларга Хоразмдан келиш туширди.

Мажуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Мен Афғонистондаги битдоркушлик урушини, ватансизликни, дарбадарликни кўрганман. Наҳадар даҳшат! Мен юртимда осийишталик, тинчлик бўлишини истаман. — Узбекистонда уйсизлар, дарбадарлар йўқ. Хар бир одамнинг қишлоқда ёки шаҳарда уйи бор. Фақат меҳнат қилиш керак. Узбекистон бархали кўр. Ношуқлик қилиш гуноҳ. — Келгусида Янгйбозорда ҳам бирор бир қорхона очиб ниятним бор. Токи, отамнинг армонлари ушлансин. Ватан биздан рози бўлсин, — дея ўз сўзини якунлади Неъматилла оға...

Advertisement for 'MULKCHILIK SHAKLIDAN QATBIY PAZAR BARCHA LOYIHXATDQKOT IINLARIINI BAJARUVCHI TASHKILOTLAR DIQQATIGA!' (Business forms from all sectors of the economy are available for implementation). Includes contact info for Andijon, Buxara, and Tashkent.

Advertisement for '«Tohttransmaxsusqurilish» OTAJ aktsiyadorlari diqqatiga!' (Attention to shareholders of 'Tohttransmaxsusqurilish' OJSC). Includes details about share transactions and contact info.

Advertisement for '1-sonli Markaziy poliklinika' (1st Central Polyclinic). Lists services like X-ray, ultrasound, and dental care. Contact: 136-00-32, 133-19-03.

Advertisement for 'KATRIS FIRMASI' (Katris Furniture Firm). Promotes furniture for schools and colleges. Contact: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Гулчехра ЖҲРАЕВА.

# Нафрат

Йўқ, чидолмайман, айтмай сўзимни,  
Хайқирган газабим сўлмаган бир нас.  
Нафратим кузгайди, бугун бузғилми,  
Дилдан отилиб чиқади бир нас:

Эй, кўн қон тўла жоҳил террорчи,  
Одам нусхидан азозил, шайтон,  
Портлатишдан мақсад — не айт, озорчи,  
Бормикан сенларда заррача виждон?!

Кўзларинг сўқуру, қулоқларинг қар,  
Қилмишинг ўтиди топталар чаман,  
Бешиқда чирқилаб ёнди зўдақлар,  
Бегуноҳ инсонлар нарча-нарча тан...

Қон ичиб қутқирган лайчалар мисол,  
Нон берган эганни қолмоқ бўласан.  
Мақсалинг айрона — қўзғунлар тўмасол,  
Ур-сурдан лаззатлар тотмоқ бўласан.

Сени жш урдими адашган аёл,  
Ажалдан топдингми ўзинга "бахт"ни.  
Оналик номингни эдинг-ку поймол,  
Оёгинг остига олдиг дўзахли!

Тилинда Ислому, қадаминг вабо,  
"Жихотинг" — хунрезлик, охиратинг вой!  
Жаҳаннам ўтида азоблар ҳудо,  
Икки дунёда ҳам сенларга йўқ жо!

Тилчишинг қаноти оловда қўйма,  
Эзулик қурбати ўқ тешмас қаққон,  
Зеро, бобалардан қилган ҳисмат бор:  
Бирлашган куч боис осуда замон!

# Дил ғирогин

Кимнинг кўзларида қўрибсанки ёш,  
Кимнинг руҳида сизнинг алам,  
Урматиб дардида бўлдингиз дарддош,  
Демак, юрагингда меҳр бир олам.

Кимнинг нигоҳлари сениг музтазир,  
Кимлардир бўлганга боқар широнор,  
Виждонинг айтмишси — югурин ҳозир,  
Демакки, кутмоқда қайбир ногирон...

Меҳринг боши бор, сўнги йўқ фақат,  
Кўшининг нуридек оқаверади,  
Меҳра беминнат туташ муруват,  
Ҳар бир дил чирогини ёқаверади.

Етимлар бошини сизлар сабодек,  
Ноумид инсонга болайди қанот,  
Қалб тўлар қўшиқча — сирли наводек,  
Ва унга бағишлар — тилча Ҳайт!

Меҳр ва муруват — бизга фазилат,  
Ўзбекистон юзи бу, доим ҳамматил,  
Бергане Оллоҳ ҳам қилур марҳамат,  
Юртимиз шу боис сўзай, Хурматил!



Бугун кўнча Самарқанд-  
да талабаларнинг «Уни-  
версиада — 2004» спорт  
ўйинлари бошланиб,  
мусобақанинг бош рамзи  
— «Универсиада» машъа-  
ласи порлайди. Кўнча  
шаҳарда беллашувларни  
кўнгилдагидек ўтказиш  
учун жиддий тайёргарлик  
ишлари амалга оширил-  
ди. Замонавий спорт  
мажмуалари, стадионлар  
қурилиши, мажмуалари-  
нинг тўлиқ қайта таъмир-  
ланиши шаҳар киёфасини  
бутунлай ўзгартириб  
юрборди.



# Маҳорат синови, ёшлик байрами

Хусусан, «Универсиада»  
шаҳарчаси деб ном олган  
мавзёда йirik спорт маж-  
муаси — 15 миғ томоша-  
бинга мўлжалланган ярим  
ёрик стадион. Самарқанд  
давлат университетининг  
компьютер технологиялари,  
академик лицейи, вилоят  
олимпия захиралари тайёр-  
лаш маркази барпо этилди-  
ки, буларни қадимий шаҳар-  
нинг кўнча обидалари кат-  
орига қўшилган янги бино-  
лар, деб аташ мумкин.

Мазкур иншоотлар бош  
пудратчи «Франс-Азия»  
қўшма корхонаси томонидан  
роппа-роса бир йил мобай-  
нида қуриб битказилди. Бу-  
юртмачи — республика ака-  
демик лицейлар қурилиши  
инженеринг компанияси  
қурилиш-монтаж ишлари  
учун 7,6 миллиард сўм маб-  
лаг ажратди. Ушбу мавзе-  
нинг кўнчиқаридаги эски би-  
нолар қайта реконструкция  
қилиниб, спорт-педагогика  
касб-хунар коллежига  
айлантирилди.

Шаҳардаги яна бир спорт  
иншооти «Дельфин» ёрик  
сузиш ҳавзаси қайта таъмир-  
лашдан сўнг энг замонавий  
иншоотлардан бирига ай-  
ланди. Бу ерда узунлиги 50  
метр бўлган 8 та сузиш  
йўлакчаси барпо этилди.

Хавзада Германия ва  
Италиядан келтирилган су-  
ви тозалаш ускуналари  
ўнатилди. Аҳамиятисиз, бу  
ускуналар хавзадаги сувнинг  
икки йилгача алмаштирмас-  
лик имконини беради.

«Универсиада»га тайёр-  
гарлик жараёни фақат ян-  
гидан қурилган ёки қайта  
таъмирланган иншоотларда  
эмас, балки олий ўқув юр-  
лари, коллежлар, лицейлар  
ётоқхоналари, ошоналари,  
маҳаллалару кўчаларда ҳам  
намойён бўлмоқда. Масалан,  
Самарқанд чет тиллар ин-  
ститутининг 300 ўринли  
ётоқхонаси, 360 ўринли  
ошонаси мусобақа қатнаш-  
чилари ихтиёрида. Шу боис  
ошона тўлиқ қайтадан  
қурилди. Қурилиш-монтаж  
ишлари учун 4 миллион  
сўм маблаг сарфланди. 50  
миллион сўмлик ётоқхона  
жиҳозлари келтирилди.

«Универсиада» бош май-  
донини ёнида жойлашган  
Сибё тиббиёт коллежининг  
киёфаси ҳам спорт байра-  
ми шарофати тўғрисида таниб  
бўлмас даражада ўзгариб  
кетди. Коллеж учун янги,  
замонавий бино қурилиб,  
фойдаланишга топширилди.

Кеча Паркент туманида-  
ги «Физика-Қуёш» институ-  
тида ёқилган машъалани

кўлда тутган талабалар Тош-  
кент, Сирдарё, Жиззах ви-  
лоятлари орқали Самарқанд  
шаҳарига кириб келдилар.  
Уларни барча спорт муқд-  
ислари қарсақлар билан қутиб  
олишди. Энди бу машъала  
бир неча кун мобайнида  
порлаб туради ва иштирок-  
чиларининг шижоат рамзи-  
га айланади. «Универсиада»  
қатнашчилари эса мусобақа  
бошланишидан бир кун ав-  
вал қадимий Самарқанд бил-  
лан танишувни бошлаб  
йубордилар.

«Универсиада»нинг очил-  
лиш маросимида самарқанд-  
лик саккиз миғ талаба ва  
бир неча бадиий жамоалар  
иштирок этишди.

Хуллас, «Универсиада»  
деб аталмиш нуфузли  
спорт байрамига тайёргар-  
лик ишлари ниҳоятга етди.  
Уйлаймики, ушбу спорт  
ўйинлари фақат Самарқанд-  
да эмас, бутун мамлакат та-  
рихида катта воқеа сифати-  
да муҳрланиб қолажак.

Абдурусул САТТОРОВ,  
Максуд ЖОНИХОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.  
СУРАТДА: «Универсиада —  
2004» машъаласи  
Самарқандда.  
Д. ЮСПОВ (ЎзА)  
олган сурат.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси**

**Компьютерларни етказиб бериш бўлигча**

хорижий ва маҳаллий етказиб бериувчиларни, шу жумладан, кичик бизнес корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлар (юримдик шахслар)ни

**тендерда иштирок этишга таклиф этади.**

Тендер ўтказилиши ҳақидаги маълумотни ва тендер ҳужжатларини тўқламини ишчи гуруҳидан олиш мумкин. Манзили: Тошкент ш., Абай к., 4-уй. Телефонлар: 144-89-42, 144-97-66, 144-97-14. Ички телефонлар: 214, 766, 714. Факс: 144-44-57.

Тендерда иштирок этиш учун дастлабки танловдан ўтиш учун танловдорлардан арзизлар 20 кун давомида, тендер таклифлари эса эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кун давомида ҳар кун, шанба ва яқшанбадан ташқар, соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚўМИТАСИ**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

«Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги Давлат солиқ инспекциясининг маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш» объекти бўйича

**Танлов савдосини эълон қилади.**

Буюртмачи — Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси. Манзили: Жиззах шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 50-уй. Қурилиш ишларини тўғаллаш муддати — 90 кун. Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: устас сармоси миқдори, объект қийматининг қамиди 20% миқдориди айланма маблагларга ёки бундай маблагларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мажбурияти, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари ҳамда ўз кучи билан ўқшаш объектлари қуриш бўйича иш тарҳибаси бўлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эгаллиги.

Танлов савдоларида иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси —

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-а, 426-хоналарда жойлашган Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ** мувожаат қилишлари сўралади. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.

Бир шўна танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Оферталар тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш кунига қабул қилинади ва эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг соат 17.00 да қўйидаги манзилда қўриб чиқилади: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси биноси.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**

**ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25  
132-10-63

242-хона

**Нужен Веб сайт ?**

**Мы предлагаем вам:**

- ✓ дизайн и разработку веб сайта / Интернет-проект;
- ✓ бесплатный Интернет-адрес (домен) www.имя-вашей-организации.com;
- ✓ бесплатное размещение (хостинг) в Интернете;
- ✓ бесплатная консультация и индивидуальный подход к каждому клиенту.

За подробной информацией обращайтесь: WEB STUDIO UZBEGIM

Телефон 176-38-89. Веб сайт: www.uzbegim.net. E-mail: info@uzbegim.com

# Пинҳона хизматга чўнг мукофот (ҳажвия)

Хизматнинг тури кўп. Аммо энг бўлагидани, зўри парда ортдаги — пинҳона хизмат экан. Тўри, бу хизматнинг икроси кўрагига уриб мактабномлайди, унинг натижалари ҳеч қайси йилгида қайд этилмайди. Фақат пинҳона хизматнинг мукофоти ҳаддан зиёд чўнг бўларкан.

Рашид бригадирнинг дала ишлари жа мактағулик эмас, аммо у ана шундай хизматларни қотириб қўйгани учун раиснинг эркатойи деган номга эришган. Раис бува ҳар йилгида, «Рашидвой зўр, ўсадиган йигитларинидан!» дейишни қанда қилмайди. Бригадирнинг ҳосил этишириш, давлатга сотиш, топшириш бўйича муваффақият қозониб, байрам қилганини билмайсиз. Дала шийпониди эса, икки кунда бир байрам: ҳўжалиқдаги ишларни текширгани ёки раис бувани шўнақи, йўл-йўлакка «кўрга» келган меҳмонлар базму жамшид қуришаётган бўлади. Узиям шийпонмисан — шийпон-да! Трофи бог. Уртаси қармоқ ташлашингизга шай балиқларга тўла ҳовуз. Унинг атрофида қуёқ сояли топлар. Остида сўрилар.

«Меҳмонлар боради!» деган хабар келиши билан Рашид ака раҳбарлигида бригада аъзолари қамишдан бел боғлаб хизматга киришишди. Аслида уларнинг сўяқлари ана шўнақа хизматларда қотган-да! Хизматларни ҳар кимнинг истейдоди қараб тақсимланганини айтинг!

Шермат бува бир тамшаниб, «Ҳа-ҳа!» деб қўяди-да, шийпон қўриқчилигидан бог қоровулига айланади. Дарвоза олдида икки кўлини биқинига тираганча гоз туриб олиб, хотин-халайга буйруқ қила кетади: «Катталар келишяпти, боққа яқин йўламанлар! Тушлиқларининг, хов, тутқаторга бориб қилинлар!»

Тилибжон сувчининг бир қулоғи хамиша шийпон томонда бўлади. У хўшбағари эшитган замон, кетмонини пайкал жуғай бошида қолдирганча, қўйига челақни олади. Йўлларга, йўлакларга, толу сўрилар остига қалин қилиб сув сепишга киришади. «Сувчи» деган номи бор ахир!

Одамлар уни мол дўхтири, деб камситишди, эшилиб-тўлғониб раққа тушишларини кўришмаган-да, гапиришаверади.

Директор домлани ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Ажойиб домла-да! Зиёфатдан бўш кўнари мактабнинг қулфи очилгандан бошлаб, ёпилгунча шахмат ўйнай олади. Гап келганда отасини аямайди. Аскияни қотиради, ҳангома айтиб даврани гулла-тади. Уларни эслаб, ўч қўнғача қулиб юрасиз.

Ниҳоят, тайёргарлик ишлари поёнига етди, ҳамма жамул-жам бўлди. «Бог кўригига янада кўрк қўшиб, катта-кичик машиналарда, гул-гул яш-нашиб, азиз меҳмонлар кириб келишди» (Домланнинг эътирофи).

Бир ой ўтмай туманга катта ишга кўтарилиб кетди: бригада аҳлининг беминнат хизматларини унутмади. Бригадирнинг улкан хизматлари инобатга олиниб, унинг тазсиясига биноан, бир овоздан ҳўжалик раҳбар этиб сайланди.

Халқ таълимида ишлар бўшашиб кетган экан. Шахматчи, асқўчи, ҳангома устаси бўлган директор домла бўлим бошлиғи сифатида бу юмушларни юқори чўққиларга чиқарадиган бўлди.

Маданият — туманнинг кўзгуси. Шундай бўлгач, бу биринчи даражали иш бўлиши керак. Тумандаги ана шу биринчи даражали ишни кўтўрхона мудирини, «Онам дерман»ни хиргойи қилганча, бошқаришга киришди.

Халқ соғлигини сақлаш ишларига раҳбарлик қилиш эшилиб тўлғонини қотирадиган дўхтир акамиз чекига тушди.

Янги сайланган раис ҳам устозлари изидан бориб, хисобчисини ҳўжалик бош хисобчисини, сувчинини гидротехник, трактор ҳайдовчисини бош муҳандис, ошонани ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосар, қоровул-ни эса, ўз ўрнига бригадир этиб тайинлади.

Мантиқан олганда ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Кимсан, туманнинг катта раҳбарига қайдаги сувчи, тракторчи, қоровуллар хизмат қилса ярашмайди-да! Унга ҳўжалик раҳбари, халқ таълими ёки маданият бўлимининг бошлиғи хизмат қилса, бу бошқа гап.

Аммо йил ўтмай, туман бошқарувидаги ишлар ҳўжалиқдаги ишларга, туман маркази эса, қишлоққа ўқшаб қолди.

Шу кўнларда яна бир «хўшбағар» қулоқдан-қулоққа ўтиб юрибди: биз билган раҳбар қўшни туманга ўтармиш.

Майли, омадини берсин. Айтинг-айтинг, бу сафар ўз ортдан «қалиш»ларини олиб кетмасин-да...

Саид АНВАР.

Одатдагидай бу галги зиёфатдан ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам чакана бўлмади. Меҳмонларни кузатгач, ҳамманинг ўзига хос ва мос хизматларини раис бува алоҳида-алоҳида қайд этаркан:

— Маладес! Бу қилган аҳшиқларининг унутмайман ва шўнинг учун ичамиз! — деб ўтди.

Иниди. «Сиз билан ичиш — биз учун шараф! Биз эмас, бу ерга ташириб қилишамиз! Сиз хизмат қилдингиз, раҳмат!» деган хитоблар янгради. Лекин раис, «Йўқ, хизмат сизлардан бўлди, унутмайман!» деди ўзиникини маъқуллаб.

Бир сўзли йигит экан раис бува!

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосқон УСМОНОВ**

Тахрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам бўлини рўйхатга олинган.

Бўричора Г — 968, 22129 нуҳсақа бошида, джами — 2 табоқ. Офсет усулида бошланган.

Копия билими А-2

Газета ИВМ компьютеризация терияли ва операторлар Жамаат Тўғаллаш ва Баҳодир Файзуев томонидан саҳифаланди.

Тахрирхонада джами 5 қўнғачдан зиёд материаллар қабул қилинади.

П-Тизимат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи котиб — А. Орпнов,  
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаримов,  
Набатчи — З. Ашурова,  
Мусаҳҳих — И. Туреунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41. ҲўА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6